




**Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси Фикҳ ва калом  
илми кафедраси доценти,  
тарих фанлари доктори



# Абу Наср Самарқандий

## ҳуқуқий ҳужжатлар масаласи ҳақида

М о в а р о у н н а ҳ р л и к  
фақиҳлар азалдан ўзаро  
ҳуқуқий муносабатларни  
қайд этиб боришга алоҳида  
эътибор берганлар. Шу боис  
ўтмиш ёзма меросимизнинг  
катта қисмини расмий матн-  
лар, васиқалар ва нотари-  
ал ҳужжат намуналарига  
оид бўлган асарлар таш-  
кил этади. Абу Наср Аҳмад  
ибн Муҳаммад Самарқан-  
дий (486-550)нинг «Шурут  
ва 'улуму-с-сукук», «Ил-  
му-ш-шурут ва-л-васоиқ»,  
«Русуму-л-қузот», «Хийра-  
ту-л-фуқаҳо» асарлари Мо-  
вароуннаҳр ҳуқуқий ҳуж-  
жатлари ва уларни тузиш  
қоидалари тарихини очиб  
берувчи муҳим манбалар  
сирасига киради.

Ҳожи Халифанинг фикрича Абу Наср Са-  
марқандий «Имому-л-худа», «Фақиҳ» ном-  
лари, «Абу-л-Лайс» куняси билан машҳур  
бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн  
Иброҳим Самарқандийни (ваф. 375/985 й.)  
ўзига устоз санаб, унинг асарларидан тала-  
баларга дарс беради. Табақот асари ёзган  
йирик алломалардан бири Умар Ризо Абу  
Наср Самарқандийни «Ҳоким» куняси билан  
атайди. Қураший эса, «Ҳоким» куняси ўрнига  
«Ибрисмий» кунясини беради. Қурашийнинг  
фақиҳга нисбатан айнан юқоридаги куняни  
бериши Абу Наср Самарқандийнинг араб бўл-  
маганлиги ҳамда ерлик фақиҳлардан эканли-  
гига далолат қилади (Қураший Абу Муҳаммад  
'Абдулқодир ибн Абилвафо Муҳаммад ибн  
Муҳаммад Мисрий. Жавоҳиру-л-музий'а фи  
табақоти-л-ҳанафиййа. 5 томлик / 'Абдулфат-  
тоҳ Муҳаммад Хулв таҳрири остида. – Қоҳи-  
ра: Ҳижр, 1413/1993. 1-жилд. Б.215.).

Абу Наср Самарқандий фатволаридан  
кейинги даврларда яратилган асарларда  
кўп фойдаланилган. Абу Бакр Заҳириддин



Марғинонийнинг (ваф. 619/1222 й.) «Фатово-з-заҳирийа» асарида Абу Наср Самарқандий шахсияти ва яратган асарларига юқори баҳо берилади. Ёқут Ҳамавий (ваф. 626/1229 й.) ўзининг «Муъжаму-л-булдон» асарида Абу Наср Самарқандийни Самарқанд ҳокимлари қаторида беради. Турк тадқиқотчиси Умар Сонар Хункан берган маълумотга қараганда, Абу Наср Самарқандий Қорахоний султонларидан Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (ҳукм. дав. 495-524/1102-1130 йй.) даврида Самарқандда қозилик ва ҳокимлик лавозимларида ишлаган. Демак, Абу Наср Самарқандий «Ҳоким» куняси билан танилиб, Самарқандда ҳакамлик ва қозилик вазифасини бажарган. Араб тилида «ҳоким» сўзининг иккинчи маъноси «ҳакамлик қилувчи қози» демакдир. Бундан ташқари, қозилик ишларини юритишга оид йирик ҳажмдаги асарларни яратиш учун олим нафақат юксак билим ва кўникмага балки, кўп йиллик бой тажрибага ҳам эга бўлиши зарур.

Абу Наср Самарқандий ҳанафий фақиҳ бўлишига қарамасдан, унинг асосан, қозилик ишларини юритишга доир асарлари етиб келган. Бундан ташқари фақиҳнинг ибодат, муомолот, жиноят ишларига оид фатволари ҳам мавжуд бўлиб, «Фатово-л-ҳиндийа» асарида бу ҳақидаги маълумотлар ва айнан фатволардан намуналар келтирилган. Демак, фақиҳ илмий меросини ўрганишда унинг фатово жанрида ёзилган бошқа туркум асарларини излаб топиш ушбу йўналишдаги янги




тадқиқотларни амалга оширишга имкон яратади.

Немис исломшуноси Карл Броккельман Марказий Осиёлик кўплаб фақиҳлар илмий мероси билан танишиб, улар ҳақида изланишлар олиб боришига қарамай, ўз тадқиқотларида Абу Наср Самарқандий шахсига тўхталиб ўтмаган. Демак, фақиҳнинг халқаро фондларда сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавҳум бўлиб, уларни аниқлаш ва тадқиқ этиш юртдош исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шарқшунослик институти фондида ҳам фақиҳ яратган асарларнинг қўлёзма нусхалари аниқланмади.

Фақиҳнинг ҳаёти ва илмий меросига оид фикрлар кам бўлишига қарамай, канадалик исломшунос Ваел Ҳаллақ Абу Наср Самарқандийнинг қозилик маҳкамалари фаолияти бўйича билдирган фикрларини юқори баҳолайди. Ваел Ҳаллақ ўзининг иккита мақоласида фақиҳ фикр-





ларини таҳлил этади (Wael Hallaq. The Qadi's Diwan (Sijill) before the Ottomans. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, Vol. 61, 3 (1998), pp. 415–36.). Ваел Ҳаллақ Абу Наср Самарқандийнинг «Русуму-л-қузот» (қозилар одати) номли асарида келган қозилик маҳкамасига доир масалаларни ўн қисмга бўлиб ўрганади.

Фикҳий истилоҳда ҳужжатлар сақланадиган девон *قمة القاضى* (Қиматрату-л-қози) деб аталиб, биринчи бўлимда гувоҳлар берган кўрсатмалар билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар яъни, қозининг муҳри билан тасдиқланган маҳзар – баённома шаклидаги ҳужжатлар сақланган. Иккинчи бўлимда кун ва оий тасдиқланган ҳолда гувоҳларнинг кўрсатмалари бўлган. Учинчи бўлимда маҳбуслар ва уларнинг жиноятлари билан боғлиқ ишларига доир ҳужжатлар, тўртинчи бўлимда аёл жиноятчилар ва уларнинг иши билан боғлиқ ҳужжатлар, бешинчисида вақф мулклари ва улар жойлашган манзилга оид ҳужжатлар,

олтинчисида вақф мулкларига масъул шахслар ҳақидаги маълумотлар ва ҳар бир вақф мулкларининг молиявий крим-чиқимларига оид ҳужжатлар бўлган. Еттинчи бўлим вақф мулклари бўйича масъул шахслар томонидан қозига тақдим этиб борилган ҳисоботлар, саккизинчи бўлим қозилик девони амалда бўлиб турган шаҳар ёки вилоятда яшайдиган ва яшаган қозилар, фақиҳлар, султонлар, амирлар, пайғамбар авлодлари, вазирлар, ҳарбий саркардалар ва бошқа давлат идоралари вакилларига қарашли маълумотлар билан тўлдирилган. Тўққизинчи бўлимда қозилик маҳкамаси назоратидаги вакилларга оид ҳужжатлар ва ўнинчи бўлимда ҳар бир шаҳардаги вакиллар олиб бораётган ишлар ҳисоботи сақланган. Абу Наср Самарқандий ишлаб чиққан ушбу ўнта девон жамланмаси бутун Мовароуннаҳр марказий шаҳарлари ва вилоятлари учун умумий ва муҳим дастак вазифасини ўтаган.

Аждодларимизнинг ҳуқуқий тафаккури тўғрисида немис шарқшуноси Ле Кокнинг фикрини келтириш ўринли бўлади. У шундай дейди: «Расмий ёзмаларнинг салмоқли бўлагида олди-берди муносабатига киришаётган кишилардан бири шахсан, ўз қўли билан ҳужжатни тузганлиги очиқ кўрсатилган. Ҳужжатларни тузиш жараёнини бирор-бир ҳуқуқшунос ёки нотариус назорат қилгани расмий матннинг ҳеч қаерида қайд этилмайди. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, ҳужжат тузишнинг йўл-йўриқлари ва унда қўлланилувчи ҳуқуқий формулярлар жамиятнинг барча қатлами кишилари томонидан ўзлаштирилган кўринади» (Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. 191 б.)

Ле Кок, иккинчи томондан ғарбдаги



dossier (досье) ҳужжатлар (иш, масала ёки шахсга доир ҳужжатлар тўплами, шахсий иш ҳужжатлари) айнан, исломдаги нотариал ҳужжат намуналаридан таъсирланганлигини тан олади. У бу ўринда Ўрта асрларда ислом дунёсидаги қозилик маҳкамаларида музаккийлик (кишиларнинг гувоҳликда адолатли эканликларини текширувчи шахс) лавозимидаги шахснинг қўлида айнан маҳкамага жалб қилинаётганларнинг шахсияти билан боғлиқ тўпланган маълумотларнинг тўпланиши, ғарбдаги досье ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрни илгари суради.

Абу Наср Самарқандий яшаган давр Мовароуннаҳрда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашиш босқичи, Европадаги салб юришларидан олдинги ва кейинги даврга тўғри келади. Демак, ўша кезлардаёқ мовароуннаҳрлик олимлар расмий ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан юқори савияда расмийлаштириш лаёқатига эга бўлганлар. Бу эса диёрларимизда ҳуқуқий саводхонлик Ғарбга қараганда анча эрта бошланганига ва ҳар жиҳатдан бой тажрибага эга бўлганига далолат қилади. Чунки, тарихимизда кечган ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий, ҳўжалик ва сиёсий ҳаётдан сўзловчи нодир ҳужжатларнинг назарий асослари айнан X-XIII асрларда яратилган. Шунингдек, X-XIII асрлардаёқ Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларида мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ терминлар пайдо бўлган шу жиҳатдан қараганда

ислом дунёсида ҳам юриспруденция соҳаси яхши ривож топганлигини кўриш мумкин. Даъволарга оид ҳужжатларни ўрганиш, ислом дунёсида ғарбдан фарқли янги-янги терминлар амалиётда қўлланилганлигини кўрсатади. Демак, Абу Наср Самарқандий асарларини ўрганиш ўрта асрлардаги Ўзбекистондаги жамият муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, ҳуқуқий тизимининг шаклланиши, ўлкамизда мулкчилик хизмат турларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аждодларимиз бунёд этган давлатларда юқорида таҳлил этилган ҳужжатлаштиришнинг назарий қоидалари қанчалар муҳим ўрин тутганлигини тўғри тушиниб етиш имконини беради.

